

Б.Р.Парпиевни Ўзбекистон Республикаси Фавқуллодда вазиятлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Ботир Рахматович Парпиев Ўзбекистон Республикаси Фавқуллодда вазиятлар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 24 июн



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 25 июн, сешанба №101 (1318)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ ФЕСТИВАЛИ



Ёшлар - миллат ишончи, юрт эртаси, келажак эгалари. Мустақилликнинг илк кунлариданок мамлакатимизда ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялашга давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида эътибор берилди. Шу кунларда барча илм даргоҳларимизнинг ўқувчилари етуклик шаҳодатномасига эга бўлиб, мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўймоқда. Зеро, улар том маънода истиқлол умидлари - мустақиллик неъматларидан баҳра олаётган ёшлардир.

Пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионда Тошкент шаҳри мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг «Истиқлол умидлари - 2002» битирув кечаси бўлиб ўтди. Фестивал Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таъ-

сида амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизда ўз самарасини бераётгани, ривожланган мамлакатларда ҳам кенг эътироф этилаётганини таъкидлашди. ...Майдонга пойтахтимиздаги билим даргоҳлари битирувчилари ҳамда бу йил биринчи синфга қадам қўйдиган болалар кириб келади. Давлатимиз мадҳияси янгради.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, мамлакатимиз шарофтини жаҳон миқёсида муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тайёрлаш мақсадида юртимизда турли мусобақалар, турнирлар, миллий спорт ўйинлари мунтазам ташкил этилмоқда. Шу маънода, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларини ўз ичига олган ўқувчилар иборат яхлит тизимнинг амалга оширилаётгани эътиборга сазовордир. Бу йил Бухорода бўлиб ўтган «Универсиада-2002» спорт ўйинларида голиб бўлган пойтахтдаги олий ўқув юртиларида таъсил олаётган талабалар 130 та олтин медал ва шу билан бирга давлатимиз раҳбарининг махсус соврини - «Дамас» автомобиллари билан тақдирландилар. Майдондаги спорт ўйинларида голибларни кириб келганида уларни барча иштирокчилар зўр олқиш билан кутиб олди.

Мамлакатимизда нафақат спорт, балки барча соҳаларда истеъод соҳибларини қўллаб-қувватлашга жиддий аҳамият берилмоқда. Бундан ўз йил муқаддам Юртбошимиз ташаббуси билан иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш мақса-

дида Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилган эди. Эътиборли жиҳати шундаки, давлат миқёсида истеъодли қизларни рағбатлантирувчи бундай мукофот ҳали дунёнинг ҳеч бир мамлакатда мавжуд эмас. Фестивалда мазкур мукофот соҳибаларининг самимиий табрик сўзлари янгради.

Сўнгги йилларда таълим соҳасида энг яхши муаллим, мураббий ҳамда илгор билим даргоҳини аниқлаш ва тақдирлаш аънавага айланб бормоқда. Бу йилги танловда голиб деб топилган пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 17-мактаб «Йилнинг энг яхши мактаби», Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетининг академик лицейи «Йилнинг энг яхши академик лицейи», Қурилиш ва миллий хунармандчилик коллежи «Йилнинг энг яхши



коллежи» деган шарафли номига сазовор бўлган эди. Фестивал иштирокчилари ана шу ҳақдаги хабарни қизгин кутиб олди. Президентимиз Фармонига биноан иқтидорли ёшларни чет элда таълим

олишларини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси ташкил этилган. Бугунги кунда қўллаб-қўзғатилар ана шу жамғарма гранти асосида жаҳоннинг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония сингари ривожланган давлатларидаги нуфузли университетларда билим олмақда. Стадионда ўрнатилган махсус экран орқали Германияда тахсил олаётган «Умид»чи ёшлар билан сунъий йўлдош ёрдамида телемулоқот олиб борилди.

Ёшлар муносиб жамоалари, «Умид юлдазлари» ёш истеъодлар фестивали иштирокчилари, «Нихол» мукофоти совриндорлари, таниқли эстрада юлдазларининг муносиб дастурлари кечага ўзгача файз ва шўқуқ бағишлади. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президен-

тининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этди. Назоқат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигига

Интилувчан, иқтидорли, мустақил фикрлайдиган, орзуманда одам учун эркинликдан-да қимматлироқ бойлик, эркинликдан-да яхшироқ имконият бўлмайди. Республикаимизда аҳолининг ташаббускорлигини, бунёдкорлик қудратини рўёбга чиқариш мақсадида мустақилликнинг илк давридаёқ ўз-ўзини бошқарув тамойиллари жорий қилинди. Президентимизнинг ташаббуси билан кишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларга жуदा катта ҳуқуқ ҳамда ваколатлар берилди. Йўл-йўриқларига қатъий амал қилиб, аҳоли билан маслаҳатлашиб иш юритилган жойларда ўтган йиллар мобайнида ибратли тадбирлар амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси халқ фаровонлигига, аҳолининг турмуши яхшилигига хизмат қилаётгани янада қувончлидир.

хис қилиш мумкин. Аммо Ёсус қишлоғида булар яққолроқ кўринади. Қишлоқда бўлганимизда, одамлар билан суҳбатлашганимизда бу ерлик тадбиркорлар ҳамда аҳоли ўз кучи билан мактаблар, кўприклар ва бошқа иншоотлар қурганини, йўللари таъмирлаганини, ибратчилик тадбирларини амалга оширганини кўрдик. Бу та-

Қадимдан Шарқнинг иқтисодий, илмий, маданий-маърифий тараққиётининг маркази ҳисобланган Самарқандда ҳам ушбу жиҳатлар доимий эътиборда бўлди. Ўз-ўзини бошқарув тамойилларининг рўёбга чиқарилиши туфайли эришилган натижаларни Ургут туманидаги Ёсус қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги кишлоқ ҳаёти мисолида имкон қадар тахлил қилиш ҳаракатида бўлдиқ.

Ёсус қишлоғининг вужудга келиш тарихи мавжуд баъзи маълумотларга қараганда XI асрга бориб тақаллади. Тоғ этагида жойлашган ушбу қишлоқ аҳолиси азал-азалдан деҳқончилик ва чорвачилик ҳисобига тирикчилик қилиб келишган. Ҳозир бу ерда 21 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Одамлар асосан чорвачилик, деҳқончилик, яъни тамакичилик, майизчилик, шунингдек, миллий хунармандчилик билан машғул. Хотин-қизлар гиламдўзлик, каштадўзлик, тикувчилик билан шуғулланишади.

Тоғ этаги ҳудудидаги шароит табиий-геодезик жиҳатдан деҳқончилик учун анча ноқулай. Сугориш имкониятлари чекланган. «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг фойдаланиладиган минг гектар ери бўлиб, шунинг қарийб 350 гектари сугорилиб, тамаки, кунгабоқар етиштирилади. Қишлоқ аҳолисининг бойрўғи 5-6 фоизи ширкат хўжалигида, бир қисми таълим ва тиббиёт муассасаларида меҳнат қилишади. Қолганлар эса тадбиркорлик билан машғул, дейди Ёсус қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Адаш ака Усмонов. — Мустақиллик туфайли ҳукуматимиз олиб бораётган ижтимоий сиёсат натижасида қишлоғи аҳолисининг турмуш фаровонлиги анча яхшиланди. 17 та артезиан қудуғи мунтазам ишлашга эришилди. Қишлоқнинг 30 фоиз хондонларига табиий газ уланди. Бу ишлар деярли ҳам давом этаётти.

АҲИЛ ЭЛГА ОМАД ЁР

Айни вақтда Соғғус, Соғғузэр маҳаллаларида газ қувурлари тортилмоқда.

Амалга оширилган ишларга бевосита гувоҳ бўлиш ниятида кишлоқ кезамиз. Дерайи ҳар қадамда сартошхона, телерадио устaxonasi, уй-рўзгор буюмлари устaxonasi, этикдўзлик каби турли хил маиший хизмат кўрсатиш муассасаларига дуч келамиз. Савадо дўконлари қўлгини айтмас ҳам бўлади. Бу ерда 5 та мактаб, 2 та тиббиёт муассасаси мунтазам ишлаб турибди. Спорт майдончалари мавжуд. Мана шу олис қишлоқда халқроқ телефон сўзлашув маскани борлигидан хайратланмай иложимиз йўқ эди. Яқингинада қурилиб фойдаланишга топширилган 200 та савадо ўрнига эга, ҳафтада икки кун ишлайдиган Ёсус бозоридидаги махсулот айланishi туфайли аҳолининг даромадига барака энаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Қишлоқ турмушига хос, тарзда ҳар бир хондонда қорамол, қўй-эчки, парранда парваришланади. Одамлар томорқа ерлардан ҳам самарали фойдаланишмоқда. Бизга айтишларича, Ёсус уста деҳқонлар ўртача 0,30 гектар томорқадан тахминан 1 миллион сўм атрафида даромад олишар экан. Бунга яхши яшашнинг, турмуш фаровонлигининг чинакам ва барқарор иқтисодий-моддий омилли. десак асло янглишмаймиз.

Одамларимиз ишбилармон, меҳнатқаш, бунёдкор ҳамда саховатдир. Давлат ва халқ манфаати учун ҳеч нарса ни аяшмайди, дейди Ургут тумани ҳокими Холмухаммад Нуруллоев. — Уларга имконият ва рағбат керак. ҳолос. Халқ ҳамма нарсасига қодир, унинг илкида мислсиз имкониятлар бор. Шу имкониятларни рўёбга чиқариши туманимиздаги деярли барча қишлоқларда

бўлган шартномалар бугунга келиб 22 миллион сўмликни ташкил этмоқда. Пахтакор туманида 8 та хўжалик, 855 та фермер хўжалиқларининг туман агросуғурта идораси билан шартнома тузиш, белгиланган маблағни ўз вақтида ҳисоб рақамига туширишда ўзбекистонлик қайфияти ҳужм сурмоқда. Қишлоқ хўжалиги қорхоналаридаги автотуловларнинг мажбурий сугурталаниши ҳам ўлда-жўлда қолиб келаётти. Йил бошидан ана шу мақсадларга 60 минг сўмлик маблағ туширилган ҳолос. Ваҳоланки, А.Икромов номли пахта тозалаш ҳисдорлиқ жамияти 400 минг сўм, туман МТП қорхонаси 400 минг сўм қардор эканлигини қандай изоҳлаш мумкин? «Агросуғурта» туман идораси ўз фаолиятини жонлантириб боришга шартшароит етарли. Негаки, «Навбахор», «Шаҳзода Т» каби фермер хўжалиқларининг «Агросуғурта» туман идораси билан ўзаро ҳамкорликни яхшилаш юзасидан шартнома тузиб, маблағни ўз вақтида туширишга эришди. Ҳамма гап шартнома масъулиятини чуқур ҳис этишда қолган.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ҲАЁТ ИШҚИ

Оққўрғон туманидаги «Покиза-М» фермер хўжалиги туман иқтисодини ривожлантиришда ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаб, янги иш ўринлари яратиш, одамларни иш билан таъминлаётган тадбиркорлардан бири. Очигини айтганда, дастлаб Навоий номли хўжалик тасарруфидан ана шу фермер хўжалиги 56 гектар ер билан иш бошлаганида кўпчилик унинг «узоққа» бормаслиги хақида гап қилганли.

Аммо Абдумалик Каримов бошлиқ азозлар асосий экин — галла ва пахтачиликдан юқори натижаларга эришиб, келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, деган мақолни эслатиб қўйишди. Кейинчалик эса ҳукумат комиссияси ана шу фермернинг фаолиятини ўрганиб, унга яна қўшимча 45 гектар майдон ажратганини оққўрғонликлар яхши билишади.

Агар фермер хўжалигининг иқтисодий салоҳиятига назар ташланганидан бўлса, нафақат моддий бақувватлигини таъминлаш, балки ижтимоий масалаларда ҳам унинг ўзига хос ўрни борлигини аниқлаш мумкин. Масалан, даромад ҳисобидан 30 нафар ишчи оиласига йил якунида бир сўмига уч сўмдан даромад олди. Ёки фермер саховатидан туман қарияларидан 50 нафари юртимизнинг зиёратгоҳ шаҳарларида бўлиб қайтишди. Шунингдек, иккита маҳалла, боғча, мактаб ва 15 нафар кам таъминланган оилалар ҳам фермердан манфаатдор бўлишди. Айни пайтда шахсий хўжаликни ривожлантиришга ҳам

қаторида ҳар кун икки маҳал текин иссиқ оқват ва ойига (хатто қиш пайтларида ҳам) 12-14 минг сўмгача маош билан таъминланди.

Азозлардан 20 нафарининг фарзандларини дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳам фермернинг зиммасида.

Одамлар дилини англаш, уларнинг қалбига кира билан самараси йилнинг илк ҳосилидаёқ ўз натижасини берди. Чунонки, давлатга 1000 килограмм сифатли пилла сотилди. 25 гектар кузги галланнинг ҳар гектаридан 60 центнердан қирмизи дон олиниб, туманда бу йил ҳам биринчи бўлиб режа ортиги билан удрланди.

Яқинда фермер хўжалиги ташаббусига кўра, ён-атрофдаги 2 та маҳаллада водопроводлашадиган бўлди. Айни пайтда лойиҳа-смета ишлари ўрганилаётти. Шунингдек, бу йилги даромад ҳисобидан битта замонавий дала шийпони қуриш ва уни компьютерлаштириб, керакли мутахассисларни шу жойнинг ўзида тайёрлаш бўйича ҳам туман мутасаддилари билан келишилган ҳолда ишлар олиб борилаётти.

Фермер хўжалигининг саъй-ҳаракатларию, фермерлар орасида тутган ўрнидан хурсандмиз, дейди Оққўрғон тумани ҳокими Абдуғани Дехқонбоев. — Ўтган йили галладан 45 центнердан ҳосил олиб, туманда биринчи режани бажаришган эдик. Жорий мавсумда ҳам айнан уша майдонда ҳосилдорликни 60 центнерга етказишди. Ваҳоланки, ана шу ерлар хўжалик иқтидоридан бўлган даврда гектаридан атиги 15 центнердан ҳирмон уюлгани эдимда...

Ҳалол меҳнат, қасбга садоқат олқиш келтиради, деганлари бежизга айтилмаган. Фермер хўжалиги ва унинг раҳбари Абдумалик Каримов ҳозирги бозор иқтисоди даврини тўғри англаганлиги учун ҳам эл дуосини олмақда, барча унга ҳавас билан боқмоқда.

Абдумалик ҲАКБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ХУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ВА ТАРҒИБОТ

Мамлакатимизда хуқуқий демократик давлат барпо қилиш аввало қонунчиликни мустаҳкамлаш, аҳолининг хуқуқий билими ва онгини юксалтириш билан бевосита боғлиқдир. Шу маънода, Президентимиз Ислам Каримовнинг хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишлари яхшилаш ҳақидаги фармони муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида ушбу фармонга мувофиқ бундан беш йил муқаддам ташкил этилган Республика хуқуқий маърифат тарғиботи маркази аҳоли ўртасида Бош қонунимиз - Конституция, Президент Фармонлари, Олий Мажлис қабул қилган қонунлар, сессия материаллари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меъёрий ҳужжатлар тарғиботида жиддий эътибор қаратаётти.

Марказ маъруза-тарғибот, мувофиқлаштирув-услугиб, нашриёт ва умумий-ташқилӣ бўлимлардан иборат бўлиб, уларда олимлар ва мутахассислар фаолият юрмоқда. Бу ерда хуқуқий илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр этириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи услубий кенгаши, вилоятларда минтақавий бўлимлар, туманларда эса жамоатчилик асосида ишлайдиган бўғинлар ташкил этилган.

(ЎЗА)

Муаммо кўндаланг қўйилади

СУҒУРТА ХИЗМАТИДАН КЎНГИЛ ТЎЛЯПТИМИ?

«Агросуғурта» Давлат акциядорлик компаниясининг Пахтакор туман бўлими томонидан ўтган йили қишлоқ хўжалик қорхоналари табиий офатдан қатта зарар кўрган бўлса-да, уларга бирор сўм ҳам суғурта қопламаи тўланмади.

— Аслида ўтган йили 68 миллион сўмлик шартномалар тайёрланган, лекин хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тегишли маблағларнинг қонуний мuddатларда келиб тушмагани оқибатида бундай шартномалар ўз кучини йўқотиб бўлган эди, — дейди туман бўлими бошлиги Абдуқалил Ярлақабов.

Биз жорий йилдаги аҳоли билан қизиқдик. «Чаманзор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Шамс Тулабоев бошлиқ «Урбигул-она» фермер хўжалиги 15 гектарлик пахта майдонини суғурталаш учун 31 май кун 47-рақамли суғурта шартномаси тузди. Бунда 50 фоизлик жавобгарликни суғурталовчи ўз зиммасига олган. Суғурталанувчи томонидан 121.600 сўм маблағ ўн кун мuddат ичида суғурталовчи ҳисоб рақамига келиб тушиши шарт бўлган ҳолда ҳалигача ўтказилмаган. Шу боис шартнома ўз-ўзидан кучини йўқотди.

Туманда ана шундай кучини йўқотиб

«Ишонч»га хат келди

ЦЕХЛАРДА САЛОМАТЛИК БЎЛИМИ

Хар куни қадрдон корхонага қадам ранжида қиларканман, ишчи-хизматчиларга зимдан назар ташлайман. Уларнинг чехрасида мамнунлик, иштиёқни кўриб дилдан қувонаман. Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Агар инсон ҳаётидан, касбидан, эришаётган натижаларидан мамнун бўлса, жўшиб меҳнат қилади.

Ириқ жамоада 1384 киши меҳнат қилади. Ҳам-жиҳатлик, тадбиркорлик туфайли ўтган йили ишда тўб бурилишга эришилди. Меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот таннархи арзонлашиб бормоқда. Бир кишининг ўртача ойлик иш ҳақи 25 минг сўмдан кам бўлмапти. Касаба уюшма кўмитаси тунги сменада ишлаётган ишчи-хизматчиларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатиш, маиший шароитни янада яхшилаш, имтиёзлардан унумли фойдаланилишига эришиш юзасидан аниқ тадбирларни амалга ошираётти. Тунги сменадагилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Дам олиш хонасида керакли жиҳозлар мўҳайё этилган. Мазали овқатлар 50 фоизга арзонлаштирилган. Илғорлар тажрибаси кенг оммалашиб бормоқда. Хусусан, муҳандис Жумадулло Худойбердиев, механик Ботир Кўзиёв ўз шогирдлари билан ҳар бир кунни унумли меҳнат натижаси билан яқунлашга аҳд қилишган.

Ўтган йили ишчи-хизматчилар, уларнинг фарзандлари соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида 3 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ушлаб қишиллар «Ботаника», «Жайронхона», «Сурхон» санаторийларида кўнгилли ҳордиқ чиқардилар. Сўнгги йилларда Семашко номи шифо масканида, «Чинобода» ситхатихида юз фоиз жамият ҳисобидан даволанувчилар соҳи кўпаймоқда.

Цехларда «Саломатлик бўлими» ташкил этилганлиги барчани қувонтирди. Ишчилар истаган вақтда шифокорларга учрашиб, улар хизматидан баҳраманд бўладилар. Ушбу бўлимлар 1 миллион 664 минг сўмлик дори-дармон билан таъминланган. Ходим шифокорлар тавсиясига кўра энг янги шифо масканида даволаниш имконига эга.

Жамоа шартномасида ҳар бир байрам ҳамда корхонанинг қувончли кунларида бир пиёла чай устида учрашувлар ташкил этиши, концертлар уюштириш ҳам ўз ифодасини топган. Табаррук инсонларни асло осимиздан чиқармаймиз. Уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари, неъматлар топширилади. Марҳум ишчи-ходимлар оиласидан ҳам хабар олиб турамиз. Уларнинг тўю маракаларида имкон даражасида ёрдам кўрсатилади. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 43 нафар собик ишчи эъзозланиб, уларга қимматбахо эсдаликлар топширилди. Шундай тадбирларнинг бирида қатор ишчиларни пенсияга кузатдик. Бу ёшларни аъналарга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий ҳимоя касба уюшма фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари ўқув қуролилари, кийим-бош ва бошқа керакли жиҳозлар билан таъминланиб келинмоқда. Корхона ёшларининг илм олишлари, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун ҳам шариот яратилган. Саховат ишлари билан ҳам четда қолаётганимиз йўқ. 6-ўрта мактаб, «Камалак» болалар боғчасини таъмирлаш, электр энергияси, водопровод суви билан таъминлашга ҳисса қўшдик. Байналмилалчи жангчилар турли имтиёзлардан баҳраманд бўлишмоқда. Бир нарса мени қувонтирди, одамлар тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатишиб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини йил сайин жонлантиришмоқда. Энди ажойиб гулзорларимиз билан мақтана оламиз. Умуман бу йил мевали ва манзарали дарахт, гул қўчатлари экишга 2 миллион сўм сарфланди.

Ёш ишчилар орасидан яхши спортчилар етишиб чиқмоқда. Маъмуриятга йўлларини тақдиримиз маъқулланиб, «Пахтакор» ўйингоҳини таъмирлаш учун 8 миллион сўм ажратилди. Хар йили хотира турнири ўтказилиб, футболчиларимиз имтиҳондан ўттишмоқда. Биринчи ва иккинчи ўринни олган цех жамоаси пул мукофоти билан тақдирланмоқда. Буларнинг ҳаммаси ютуқлар омили бўлмоқда.

Ж.КОДИРОВ, «Сурхонтекстиль» хиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси.



Шахрисабз туманидаги Беруний номи оромгоҳ дарвозаси ёнига келиб тўхтаган автобусдан тушган болалар теварак-атрофга ҳайрат ила боққан оромгоҳ томон юришди. Улар Коракалпоғистон Республикаси Кўнғирот туман мактаб ўқувчи-ёшлари. Анча барвақт тайёрлаб қўйилган дам олиш маскани Оролбўйидан ташриф буюрган ўқувчиларни Шахрисабзнинг мусаффо об-ҳавоси, муздек зилот суви ва бетакорор манзаралари билан қарши олди.

«Ўзбурғунетгаз» акциядорлик компанияси тасарруфидаги мазкур оромгоҳда ҳар босқичда 350 нафардан, жами 1050 бола дам олиб соғломлаштирилади. Оромгоҳ 7 гектарлик каттагина боғ ичида жойлашган. Хомий ташкилот томонидан 60 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилганлиги туфайли у янада чирой очди. Жумладан, 45 ўринли янги ётоқхона биноси қурилиб ишга туширилди. Йўлакча ва хибонлар таъмирланиб, янги дарвоза қурилди.

— Оромгоҳдаги саран-

жом-саристалик, болалар учун яратилган қулайлик менда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди Кўнғирот туманидаги «Юлдузча» болалар боғчаси тарбиячиси Камола Ерлепасова. — Биринчи босқичда 29 нафар болага тарбиячи бўлиб келдим. Шахрисабзнинг 2700 йиллиги байрамини муносиб нишонлаш учун қизган тайёрлик бораётганлигини кўриб, ич-ичимдан фахрга тўлдим. Соҳибқирон Амир Темурнинг қадами теккан жойларни

тавоф қилишни кўпдан орзу қилардим. Маҳобатли Оксарой ва унга таташ майдондаги салобатли Амир Темур ҳайкали бир умрга хотирамда муҳрланиб қолди. Болаларнинг юз-кўзларидаги ифтихор шуъаларини бир кўрсангиз эди! Дарҳақиқат, айна дамларда Шахрисабзда улкан бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Оролбўйи болалари бунга юз кўзлари билан кўриб турганларида ҳам рамзини маъно бор. Зеро, элларни нафақат бугун,

ўтмиш хотиралари ҳам бирлаштиради. — Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ўтган йили ҳам Оролбўйидан 150 нафардан ортиқ ўқувчилар соғломлаштирилган эди, — дейди оромгоҳ раҳбари Лутфулла Каримов. — Бу йилги мавсумда «Ўзбурғунетгаз» акциядорлик компанияси тасарруфидаги ташкилот ва корхона ишчи-хизматчиларининг фарзандлари оромгоҳимизда дам олдирилади. Йўлланмалар оталик

ташкilot томонидан текин берилмоқда. Болаларнинг кўнгилдагидек дам олишларини ташкил этиш учун оромгоҳда ўнга яқин тўғрақлар ишлаб турибди. Малакали мутахассислар болалар атрофида парвона. Бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, кувноқлар ва зукколар бахслари ҳар бир кунга ўзига хос фойза бағишляди, албатта.

НУРБЕК. Суратларда: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.

Ёзги соғломлаштириш



ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ОРОМГОҲЛАРИДА

АҲИЛ ЭЛГА ОМАД ЁР

(Боши 1-бетда).

Эзгулик ерда қолмайди. Тадбиркор Нуруллоевларнинг ибратли бошқаларни янги-янги ташаббусларга рағбатлантирди. Мисолларга диққат қилинг. Тадбиркор Сўлихон Зиёев 8-мактаб учун 7 та қўшимча синф хонаси қурилишининг барча молиявий харажатларини ўз зиммасига олди. Ҳозир иш авж сурятларда давом этапти. Бошқа тадбиркорлар, жумладан Жума Зокидов «Ёттиуйлик» маҳалласида, Амир Расулов «Сой-Гузари» маҳалласида яхшигина кўприклар қуришди. Бундай мисоллар анчагина. Қишлоқда тадбиркорлар кўп. Кўзга қўриқчилари 82 нафар. Уларнинг ҳар бири қишлоқ учун эътиборли лойиҳа намояндалари бўлиши мумкин.

— Ҳамма гаг одамларни уюштиришда, эзгу мақсадларга бошлай олишда, — дейди нурунийлар етакчиси Неъматулло ота Исмаилов. — Келажак учун, болаларнинг камоли учун энг аввало яхши мактаб керак. Шунинг учун қарияларимиз барчани ҳаширга олтиришди. Энг аввало ўзлари фаол қатнашишди, ёшларга ибрат бўлишди. Қишлоқимизда 800 нафардан зиёд қариялар, нафақатхўрлар, кекса отахону-онахонлар бор. Айнакиса, 100 ёшга етган Нияз бобо Жабборов, Маъруф бобо Гафоров, Сарвар ая

Жўраева, Ҳамро ая Мирзаева, Муъяссар ая Бобоева сингарилар ҳам қишлоқлар учун энг эъзозли кишилардир. Президентимиз бу йилни «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилди. Бундан қадрлашга, ҳурматга фақат ижобий ва эзгу ишларда иштирок этиш билан сазовор бўлиш керак, деб ҳисоблашди кексаларимиз.

Шундан сўнг биз қишлоқ одамлари билан суҳбатлашдик. Аксарият фикрлар деярли бир хил эди. Хусусан, Сулфия Гулмуродова, Нарзилов Саломовалар кўпчиликнинг фикрини ифодалаб, қишлоқда турмуш яхшиланиб бораётганини, хотин-қизларга ва кўп болани оилаларга фамхўрлик кучайганини, қишлоқ клубида тарбиявий аҳамиятга эга дам олиш тадбирлари уюштирилиётганини, яқинда Тошкентдан келган таниқли актёр Хайрулла Саъдиев билан учрашув бўлганини айтишди. Маъруф Жалилов эса клубхона, маданият муассасалари, спорт иншоотлари ёшлар ихтиёрига бериб қўйилганини, ёшлар самарали меҳнат қилиши билан бирга турли маданий тадбирларда, кўрик-танловларда, спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашганини таъкидлади. Бу суҳбатларнинг ўзидек алоҳида мавзуда дурустгина мақола бўлиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан Ғусқишлоғи ҳаётида муаммолар йўқ экан, деган хулоса чиқармаслик

керак. Муаммолар, ҳал қилиниши керак бўлган масалалар ҳақида муҳокам. Бундан кўз юмиб бўлмайди.

— Кишининг доимий машғулоти йўқлиги, ишсизлиги энг жиддий масалалар. Бекорчилик ҳар қимни ҳам таъшишу-муаммоларга дуч қилади. Кейинчалик бунинг асоратлари бошқаларга ҳам таъсир қилиши мумкин, — дейди суҳбатни давом эттириб Ғусқишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Усмонов. — Шунинг учун янги иш ўринлари ташкил қилиш доимий эътиборимизда. Янги ишга тушган 2 та хусусий корхонада 30 дан зиёд киши ишга жойлашди. Лекин бу масаланинг ечими эмас. Чунки, қишлоқимизда 417 нафар вақтинчалик ишсизлар бор. Яқинда вилоят ҳокими келиб, қишлоқимиз ҳаёти, амалга ошириляётган ишлар билан танишди. Шунда биз бирор йириккор корхона қуриш учрашув фикрлашдик, ўз мулоқазаларимизни билдирдик. Вилоят тадбиркорлар палатасига масалани атофлича ўрганиб, аниқ тақдир қилишти топширилди. Бунинг амалий натижаси яқин вақтларда бўлади, деб ўйлаймиз.

Инсон ҳамиша кун сайин яхшироқ яшашни истайди. Бунинг учун эса аввало меҳнат қилиш, бунёдкорлик фаилатларини намўн қилиш керак, албатта. Ғусда биз ана шундай аъналарнинг, эл аҳиллигининг, қудратининг гувоҳи бўлдик. Бу Мустақиллик шарофати эканлигини қайта-қайта таъкидлаш ўринлидир.

Р.КҮРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

БАҲОНА ЭМАС, АМАЛИЙ ИШ КЕРАК

Навоий вилоят Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшма кўмитасига қарашли 7 та болалар оромгоҳида бу йил 1760 ўғил-қиз дам олдирилиши режалаштирилган. Баҳаво, табиати сўлим масканларда фарзандларимиз мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Кони-мех туманидаги «Жошсероғир» болалар оромгоҳи илк бор иш бошлади. Туман ҳокимлиги ёрдами билан бу ерда қулай шароитлар яратилди. Томди тумани ҳокимлиги ҳам болажонлар қувбат-яйраётган гўшаларга рангли телевизор, видео магнитофон ҳада этди.

Бахтга қарши, Учқудуқ туманида ёзги соғломлаштириш масаласига бу йил етарли эътибор берилмапти. Мутасаддиларнинг эътиборсизлиги туфайли «Ерлар ота» оромгоҳи ўтган йили биринчи навбатдагина болаларни бағрига олганди. Бу йил ҳам қатор муаммолар кўндалан бўлиб турибди.

Мухим иш кўнгилдагидек кетмаётганлигининг асосий сабабларидан бири хўжаликлар ижтимоий сугурта бадалларидан қарздордирлар. Масалан, Навбахор туман хўжаликлари ушбу тўловлардан 1 миллион сўмдан

ортиқ қарздор. Ғарчи тумандаги «Ўзбекистон» оромгоҳида 200 нафар бола жалб этилган бўлса-да, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришда қийинчиликларга дуч келинмоқда. Ҳозирда тармоқ касаба уюшмаси савдо ташкилотларидан олинган неъматлар учун катта миқдорда қарздор бўлиб турибди.

Навоий туманида ижтимоий сугурта тўловларидан қарздорлик 3 миллион 415 минг сўмни ташкил этади. Шу боис, ёзги соғломлаштиришни ташкил этишда қатор камчиликлар юзага келди. Ўғил-қизларимиз сеvimли масканларида кўнгилли дам олиб, куч-қувватга тўлишни қанчалик орзу қилишади. Баъзи катталар эса ўз сўзларининг устидан чиқмай, болажонларнинг кўнглини ўқситишмоқда. Кузатишлар шунни кўрсатдики, агарда муҳими ишга ҳамқор ҳамжихатлик билан ёндошилса, тайёргарлик ишлари вақтида амалга оширилса, уша масканларда эл соз ўтади. Демак, баҳона эмас, амалий иш керак.

Я.САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Касаба уюшмалари бозор шароитида

Меҳнат Кодексининг 29-моддасида кўрсатилганидек, жамоа шартномаси корхона иш берувчи билан ҳодимлар ўртасидаги меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий, касбга доир муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Амалдаги қонунларда ҳар қайси тараф жамоа шартномаси, келишувларни тузиш ва ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиқишга ҳақлидир. Шу боис ўтган ярим йилда корхонада амалга оширилган иш натижалари ҳамда ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий муҳофазаси таҳлил этилди. Жамиятда бу йил 32144 тонна пахта хом ашёси қайта ишланди. Тола чиқиси 34,7 фоизни ташкил этди. Хом ашё Швейцария, АКШ, Сингапур, Россия, Латвия каби хорижий давлатларга жўнатилди. Хиссадорларга эса 92452 та акция тарқатилган бўлиб, ҳар бирининг номинал қиймати 500 сўм. Йил якунида ҳар бир акцияга 974 сўмдан, жами 90 миллион 528 минг сўм дивидент ҳисобланди. Олинган фойданинг 18 миллион 468 минг

лаштириш тадбирларига эса 522410 сўм харажат қилинди. Моддий ёрдамга муҳтож оилаларга 400 минг сўм, уруш қатнашчиларига 200 минг сўм

«Уч авлод учрашуви» уюштирилиб, кексаларга 1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ойнинг ҳар жумасида улар билан бир пиёла чай устида мулоқотлар ўтказилмоқда. Заводнинг 50 ўринли профилаторийсида 41 нафар қария ва кўп болали оналар бепул даволандилар. Ютуқлар баробарида муаммолар ҳам йўқ эмас. Спорт мусобақаларини ўтказиш учун жиҳозлар етишмайди. Корхона ижтимоий сугурта маблағларидан 500 минг сўм қарздор. Жамият маблағлари ҳисобидан ҳар хил адабиётлар сотиб олиш, кутубхона очиш, газета-журналларга обунани уюштириш каби муаммолар ҳал этилмоғи лозим.

Аминбой АЛЛАБЕРГОНОВ, Гурлан пахта тозалаш очик турдаги хиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси.

ТУНГИ СМЕНА фаолиятига бир назар

сўми ишчи-хизматчилар, инженер-техник ҳодимларни моддий рағбатлантириш, 13 миллион 851 минг сўми ишлаб чиқаришни ривожлантириш, 13 миллион сўми эса корхона ижтимоий-иқтисодий-юксалтириш тадбирларига сарфланади. Ҳозирда ишловчиларнинг ўртача иш ҳақи 24 минг сўмга тўғри келади.

Хорхонада огир ва зарарли юмушларда ишлаганларга 3,3 миллион, тунги ва кечки сменада меҳнат қилганларга 12 миллион, ўриндошлик вазибаларини бажарганларга 1,6 миллион сўм ҳақ тўланди. Қўшимча таътилар учун 2,1 миллион сўм ажратилди.

Ҳодимларга ижтимоий-маиший имтиёзлар яратилиш мақсадида 1,2 миллион сўм, соғлом-

КОНИМЕХ ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Конимех тумани галлакорлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб давлатга галла сотиш шартнома режасини бажарди.

Галлазорлардан ўртача 44 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 5 минг 375 тонна сара дон топширилди. Бу муваффақиятга «Шўркўл», Ҳамид Олимжон номидаги, «Чордара» ширкат хўжаликлари, юзга яқин фермер хўжаликлари муносиб улуш қўшди.

Ҳали далаларда ҳосил мўл. Конимехлик дехқонлар давлатга яна 500 тонна галла топшириб, ялли хирмонни 10 минг тоннага етказиш учун меҳнат қилмоқда.

(ЎЗА).

ФЕРМЕР НИМАДАН ХАФА

Жиззах туманидаги Ширин Султонов раҳбарлик қилаётган «Омад» фермер хўжалиги Жиззах ун жамоа корхонаси билан 2001 йил 17 мартда контрактация шартномаси тузиб, унга кўра хўжалик 60 тонна галла етказиб бериши керак эди.


Амалда фермер хўжалиги 67460 килограмм галла топширди. Бу демак режадагидан ортиқча маҳсулот хўжаликдан тортиб олинди. Режадан ортиқча 7460 килограмм маҳсулотни бозор нархида сотиб, жамоа аъзоларига расомади билан тарқатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган хўжалик раҳбари ҳайрон бўлиб қолаверди. Тўрт ой мобайнида турли идораларга учрашиб, ҳеч нарсага эриша олмади. Бу билан моддий, ҳам маънавий зарар кўрди.

Шундан сўнг фермер хўжалиги раҳбари Ш.Султонов қонуний ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришни сўраб вилоят Адлия бошқармасига мурожаат этди. Аниқланишича, Жиззах «Галлабанк»и хусусий хўжаликка режадаги топширилган галласи учун 1.986.900 сўм

пулни 23 кун кечиктириб ўтказиб берган. Тайёрловчи ҳамда маҳсулот етиштирувчи билан тузилган шартноманинг IV бўлим 4,6-бандларида ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорда кечиктирилган пеня тўлиниши кўрсатилган. «Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддаси 2-қисмида ҳам «етказиб берувчи ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди» дея таъкидланган.

Вилоят Адлия бошқармаси «Омад» фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, «Жиззах ун» жамоа корхонаси, Жиззах «Галлабанк» бўлими ҳамда «Ўзбекистон» жамоа хўжалигини фуқаролик судига берди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, «Омад» фермер хўжалиги фойдасига жавобгарлар — Жиззах ИТА «Галлабанк»дан 182.804 сўмлик моддий ҳамда 5000 сўмлик маънавий, «Жиззах ун» жамоа корхонасидан 820.600 сўмлик моддий, 5000 сўмлик маънавий зарар ундириб берилди. Давлат божи ҳам жавобгарлар ҳисобидан тўланадиган бўлди. Бир қарашда ҳақиқат қарор топиб, мазкур фермер хўжалиги аъзоларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Лекин бу жараён осонликча кечмади. Тадбиркорнинг қанча вақти кетди. Идорама-идора юриб сарсон бўлди, асаблари чарчади... Мамлакатимизда галла ўрин-йиғими қизгин бораётган паллада бу мисол кимлар учундир сабоқ бўлса ажаб эмас.

Турғун УМАРОВ, Жиззах вилоят Адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси.



Коллежда 303 нафар ўқувчи иссиқлик электр станциялари ускуналарини ўрнатиш, электр тармоқлари ва жиҳозларидан фойдаланиш,



автоматика ва назорат ўлчов асбобларини йиғиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш сингари мутахассисликлар бўйича билим берилади. Шу-

Мамлакатимиз олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларига кириш учун абитуриентлардан хужжатлар қабул қилиш жараёни бошланди. Кибрай туманидаги Энергетика касб-хунар коллежиде бу йил еттига мутахассислик бўйича иккидорли 200 нафарга яқин ўғил-қиз ўқишга қабул қилинади.

нингдек, билим масканида малакали ҳисобчи, тикувчи-модельер, пайвандловчи усталар ҳам тайёрланмоқда.

нияде ишлаб чиқарилган машҳур «ПФАФ-Зингер» тикув машиналаридан фойдаланишда. Қарийб 24 минг китоб

билан учрашувлар ўтказиб турибмиз, — дейди кутубхоначи Назира Қосимова. — Бу каби тадбирлар ўқувчи-ёшларимиз қалбиде китобга муҳаббат, илм олишга қизиқиш уйғотмоқда. Шу билан бирга, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ҳамда тиббиёт ходимлари иштирокида ҳар ойда бир маротаба ташкил



Ким бўлсам экан?

ҳаларини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш борасиде «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгилаб берилган вазифалар бирин-кетин муваффақият билан амалга оширилмоқда. Бизнинг бутун саъй-ҳаракатларимиз ана шу эзгу мақсадга қаратил-

КОЛЛЕЖЛАР ЧОРЛАЙДИ

Замонавий типда қурилган ўқув биноларида турли асбоб-ускуналар ва кўргазмалар билан жиҳозланган информатика, физика, химия, биология, астрономия каби фан кабинетлари, лингафон ҳамда лаборатория хоналари жойлашган «Автоматика ва назорат-ўлчов асбоблари», «Электр тармоқлари ва жиҳозлари», «Бичувчилик ва тикувчилик» сингари махсус устахоналарда ўқувчилар назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлайдилар. Масалан, «Автоматика ва назорат-ўлчов асбоблари» устахонасига Жанубий Кореядан келтирилган 13 турдаги энг сўнги нусхадаги аппаратуралар жиҳозлари ўрнатилган бўлиб, уларда ишлаш жараёнилари малакали устозлар - Саидмўмин Маҳмудов, Наима Тожибоева, Муҳайё Қодирова, Ботир Аҳмедовлар томонидан олиб борилаётир. 12 та тикув машинаси ўрнатилган устахоналарда эса тикувчи қизлар Муқаддас Солихўжаева, Назоқат Муслимова ва Умринисо Юнусова каби ишлаб чиқариш усталаридан чеварлик сирларини ўрганишмоқда. Ўқитувчиларнинг таъкидлашича, бўлғуси тикувчи модельерлар янги ўқув йилидан бошлаб Герма-



жамғармасига эга коллеж кутубхонаси ўқувчиларнинг сеvimли масканларидан. У ҳаммаша ёшлар билан гавжум. Кутубхона бадиий ва илмий адабиётлар, дарсликлардан ташқари 19 номдаги газета, 20 номдаги журнал олишини эшитиб, очиги, қувониб кетдик. — Турли саналар муносабати билан адабий кечалар, таниқли шoir ва ёзувчилар, олимлар

этилаётган мулоқотлар ҳам беиз кетмаяпти. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бекиёс. Буни яхши тушунган ўнлаб йигит-қизлар коллежнинг хавас қилса арзигулик спорт мажмуасида фаолият кўрсатаётган 8 та спорт тўғрагида шуғулланишмоқда. — Маълумки, ҳозирда мамлакатимизда халқ хўжалигининг барча со-

Фанлар Академиясининг Ботаника илмий-ишлаб чиқариш институти, Тошкент Давлат техника ҳамда Низомиди номидаги педагогика университети, Тўқимачилик ва энгил саноат ҳамда Кишлоқ хўжалиги институти билан мустаҳкам ҳамкорлик ришталарини ўрнатганмиз. Дарҳақиқат, жорий ўқув йилида билим маскани ўқувчиларига Тошкент Давлат техника университети маъмурияти 330 дан ортиқ дарсликлар, олийгоҳ профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган маъруза матнларини туҳфа этди. Айни пайтда мазкур олий ўқув юрти икки нафар аълочи ва фаол ўқувчини махсус стипендия билан тақдирлаб келаяпти. Кишлоқ хўжалиги ҳамда Ботаника илмий-ишлаб чиқариш институтларининг малакали профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ўқувчиларга сабоқ беришмоқда. Бундан ташқари, мазкур олийгоҳларда 2002 йилнинг ўзида 16 нафар коллеж ўқитувчилари малакасини оширди. Ҳамкорликда олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам ўз самарасини бераётир. Мазкур ҳамкорлик натижасида «Касбий фан ва ишлаб чиқа-

риш таълими узлуксизлигини таъминлашнинг педагогик жиҳатлари» (Наима Тожибоева), «СОРОС дастури асосиде ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қobiliятини ривожлантиришда янги педагогик технология усулларидан фойдаланиш» (Феруза Шаймонова) каби илмий тадқиқотлар ёзилди. Коллеж билан энергетика соҳасидаги ташкилотлар ўртасида ҳам мустаҳкам алоқа йўлга қўйилган. Тошкент иссиқлик электр станцияси ва Марказий Осиё энергосозлаш корхонаси маъмурияти коллеж моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини оширишда беминнат ёрдамини аямапти. Биргина Тошкент иссиқлик электр станцияси 2000 йилдан буюн 76 миллион сўмлик ёрдам кўрсатди. Мазкур ташкилотнинг ўқув-машқ марказида эса коллежнинг юқори синф ўқувчилари ўқув амалиётини ўтамоқдалар.

Камол Оллоёров, «Ишонч» муҳбири, Икром Ҳасанов олган суратлар.

Саволларингизга ТДЮИнинг «Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси Гулноза САТТОРОВА жавоб беради

САВОЛ: бизнинг никоҳимиз бекор бўлиш арафасида. Турмуш ўртоғим билан яшаган уйимиз қайнонамнинг номида. Никоҳимиз бекор қилинган тақдирда, мен ўғлим билан уй даъво қилишга ҳаққим борми?

ЖАВОБ: амалдаги Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 27-моддасига мувофиқ эр ва хотин ўртасида, улардан бирининг талабига кўра, никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишганда ҳам фақатгина умумий мол-мулк бўлиши мумкин. Оила Кодексининг 23-моддасида белгиланганидек, эр ва хотиннинг биргаликдаги умумий мулк бўлиб, уларнинг никоҳ давомида орттирган мол-мулкларини, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобга олинган мол-мулкларини инобатга олинади. Эр ва хотиннинг никоҳга қадар фақат биттасигагина тегишли бўлган мол-мулк хусусий мулк (яъни ҳар бирининг ўз мулки) ҳисобланади ва бўлинмайди. (ЎЗР ОК-25-М).



Уй-жой, квартира кўчмас мулк ҳисобланиб, агар улар эр ёки хотиннинг никоҳдан олдин ўзига (ёки ота-онасига) тегишли бўлса, тарафларнинг биттасининг хусусий мулки ҳисобланиб, никоҳ бекор қилинаётган пайтда унга даъво қилиб бўлмайди. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига (никоҳ давомида ёки никоҳдан олдин) олинган кўчма ва кўчмас ашёлар ҳамда шунга ўхшаш ва ҳоказолар эр ва хотиннинг умумий мулки ҳисобланади ва уни бўлишда эр-хотин ва фарзандларнинг улушлари тенг ҳисобланади.

САВОЛ: пенсия тайинлашда, ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашда чеклашлар борми? **Даврон ОБЛОҚУЛОВ, Китоб тумани.**

ЖАВОБ: Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг Дав-

ШАХТЁРГА ПЕНСИЯ ҚАЙ ТАРТИБДА БЕЛГИЛАНАДИ

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулноза МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: Мен 26 йилдан ортиқ кон қидирув кўшимча имтиёзлар бор?

Т.ХОЛИҚУЛОВ, Китоб тумани, Гулшан қишлоғи.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазиirlар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарорига асосан кон саноатида ер ости ишларида, шахталарда ишлаган ходимлар 1-, 2-, 3-руйхатлар бўйича имтиёзли шартларда пенсия олишлари мумкинлиги кўрсатилган. Сиз хатингизда қайси касб ёки лавозимда ишлаганлигингизни кўрсатмаганиз. Шунинг учун юқорида айтиб ўтилган 3 та руйхатнинг қайси бири бўйича имтиёзли равишда пенсия тайинланганиги номаълум. Лекин қайси

руйхат бўйича пенсия тайинланган бўлса ҳам, пенсия миқдорини аниқлашда куйидаги 3 босқич қўлланилади. Сизнинг хоҳишингизга кўра бутун меҳнат фаолиятингиз давридаги кетма-кет келган беш йилликдаги ўртача ойлик иш ҳақингиз олинади. Лекин шунини айтиш жоизки, қанча юқори ойлик иш ҳақи олишингиздан қатъий назар, агар ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик иш ҳақингиз, ҳозирги даврдаги энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасидан ошиб кетса, юқорида айтиб ўтилган Қонуннинг 31-моддаси пастдан иккинчи хат бошига асосан, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади. (3945х7=27615)

1-босқич — пенсиянинг таянч миқдори. Бу эса ёшга доир тўлиқ пенсия учун ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин энг кам пенсиянинг 100 фоизи миқдориде олинади.

2-босқич — иш стажини ун пенсияларнинг оширилиши. Бунда ёшга доир пенсиялар — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинандиган ўртача ойлик иш ҳақидан тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этилган ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун бир фоизи миқдориде оширилади.

3-босқич — пенсияларга қўшилидиган устама ҳақлар. Бу эса Қонуннинг 28-моддасида белгиланган бўлиб, ер ости ишларида, шахталарда ишлаган ходимларга устама ҳақлар бериш назарда тутилмаган.

пенсия тайинлаш учун ходим охириги пайтда ишлаган корхона томонидан тавсиянома ҳамда тегишли хужжатлар ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этилади.

ТАЛАБ ЭТИЛГАНДАН КАМРОК МЕХНАТ СТАЖИГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ҲАМ ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАНИШИ МУМКИНИ?

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига кўра: «Тўлиқ пенсия тайинлаш учун (7-модда) етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда (29-модда) тайинланади». Иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғда ёшга доир пенсия тайинланганида унинг миқдори 3900 сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

НИКОҲ БЕКОР ҚИЛИНГАН ТАҚДИРДА...

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

НИКОҲ БЕКОР ҚИЛИНГАН ТАҚДИРДА...

Саволларингизга мутахассис Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб беради

МУДДАТДАН ОЛДИН ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ ДЕГАНДА НИМА НАЗАРДА ТУТИЛАДИ?

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида: «Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмини қисқарганлиги ёхуд корхонани тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар: эркаклар — 58 ёшга тўлганда ва иш стажини камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар — 53 ёшга тўлганда ва иш стажини камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади», деб таъкидлаб ўтилган (1998 йил 29 августдаги Қонун таҳририда).

Маданий меросимизни ўрганамиз

ХАЛҚ САНЪАТИНИНГ БЕТАКРОР МЎЪЖИЗАСИ

Китоб туманида 20-22 июн кунлари бўлиб ўтган фольклор-этнографик жамоаларнинг олтинчи анъанавий республика кўрик-танлови хақиқий санъат байрамига айланди.

Халқимизнинг маънавий маданияти хазинасидаги улкан бойлик ҳисобланган фольклор-этнографик жамоаларнинг бетакрор навлари, дилрабо кўшиқлари тоғлар бағридан мавжлашиб тушиб заминни яшнатаётган ирмоқлардек буюк аждодларини салоҳиятидан дарак берди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубий маркази, Ўзбекистон телерадио-компанияси, «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси, Республика «Нуруний» ва «Махалла» хайрия жамғармалари, «Байналмилал» маданият маркази, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги мадани-

кудук туманидаги «Беда-на», Қарши туманидаги «Хилола», Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туман маданият уйи қошидаги «Бесперде», Ургут туманидаги «Бешқарсақ», Қашаи туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасига қарашли «Қизгалдоқ» фольклор-этнографик жамоалари ушбу кўрик-танловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан келганликларини намойиш этдилар.

Китобда ўтказилган фольклор санъати халқ ижодининг чин маънодаги бебаҳо дурдонаси десак муболага бўлмайди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати ижрочиларнинг маҳорати ва одилона баҳо бердилар ва голибларни аниқлади.

Энг олий ўрин — Гран при мукофотини Урганч шаҳар «Хоразм» фольклор-этнографик ансамбли жамоаси кўлга киритди. Қарши туман маданият уйи-



нинг «Хилола» ва Тошкент вилояти Оққўрғон туман маданият уйи «Тўрғай» фольклор-этнографик дасталари биринчи ўринни эгалладилар. Шунингдек, «Хилола» фольклор-этнографик жамоаси Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси томонидан хорижа йўлланма билан тақдирланди.

Сурхондарё вилояти Олтинсой туман маданият уйи қошидаги «Шаршара», Бухоро вилоят Когон туман маданият уйи қошидаги «Қасри орифон» фольклор-этнографик жамоалари иккинчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо соғвалар билан тақдирландилар.

Тошкент вилояти этнографик жамоаси, Фарғона вилояти Охунбобоев туман маданият уйи қошидаги «Қабутар», Қорақалпоғис-

тон Республикаси Чимбой туман маданият уйи қошидаги «Бесперде», Жиззах вилояти Галлаорол туман маданият уйи ҳузуридаги «Гаштак» жамоаларига учинчи ўрин насиб этди.

— Ансамблимиз ўз фаолиятини бошлаганига эндигина икки йил бўлди, дейди Хоразм вилояти халқ ижодиёти маданий-маърифий илмий-услубий маркази раҳбари Қодирберган Саиджонов. — Бундай нуфузли танловда илк бор иштирок этишимиз. Жамоамизнинг олий ўринни эгаллаш бизни янги манзилларга бошлайди, бундан кейин ҳам халқ кўнглига яқин кўшиқлар куйлайверамиз.

— Хориж сафарига берилган йўлланма жамоамизни янада янги марралар сари илҳомлантирди, дейди Қарши туман мада-

даният бўлими раҳбари Баҳриддин Худалов. — Бу мукофот нафақат бизга, балки Қашқадарё санъат аҳлига берилган юксак баҳодир.

Фольклор жамоаларининг олтинчи республика кўрик-танловининг ниҳоятда кўтаринки рўҳда ўтишида Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамда Китоб тумани мутасаддиларининг хизматлари катта бўлди. Ушбу тадбир барчада катта таассурот қолдирди.

Анжуманда халқимизнинг қадимий ва теран маънавий дурдоналари нечоғлик асраб-авайлаб, ардоқлини келинаётгани яна бир намоён бўлди.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

Суратларда: танловдан лавҳалар.

МЕДАЛЛАР — ЧЎНТАКДА

Лекин қайси бири: олтинми, кумушми, бронза?



Биринчиси ва бу энг муҳими, мамлакат пойтахти Сеулнинг бош стадионида уч карра жаҳон чемпи-онлари ворислари бўлмиш Германия термасини ярим финалда мағлуб этиш, шунингдек, (бу ҳам маҳаллий халқ учун жуда муҳим) кўпдан бўён тушаётган таклиф — Жанубий Курия фуқаролигини қабул қилиш!

Ха, миннатдор мамлакат ахли бугун шундай таклиф билан чиқяпти! Бу, тан олиш керак, камданкам юз берадиган воқеа. Бундай шараф ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Дарвоқе, кези келганда, эътиборингизни яна бир гаройиб ҳолатга қаратишни истардик. Шу пайтгача Жанубий Курия термаси ўз иштирокидаги барча матчларда чинакам маътуғалия, жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида 29 жамоа ичида биринчи бўлиб йўлланма соҳибига айланган Польша каби термаларни четга суриб, нимчоракха йўл олгани етмагандек кейинги бир ҳафта ичида яна икки марта барчани ҳайратда қолдирди: аввал Италия, кун кеча эса Испания терма жамоалари Узоқ Шарқ билан ҳайрлашдилар.

Албатта, бу — сенсация. Футбол, эҳтимолки, шуниси билан жозибалидир! Ҳар ҳолда тақдир тақозосига кўра чорак финалда майдон эгаларига рўбарў келган Камачо шогирдлари ҳаммаси Гуус Хиддинк тайёрлаган жонли деворини ошиб ўтолмадилар. Боз устига, жароҳати тўғрйли Раул бу учрашувни томошабин сифатида кузатди. Нима бўлганда ҳам, испанлардан омад очикчасига юз ўғирди. Буни шундан билиш мумкинки, асосий ва кўшимча вақт ичида томонлар ўз устунликларини исботлай олмагач, худди нимчорак финалда бўлгани каби пенальтилар серияси белгилангач, жуда кўпчиликнинг назарида масала ечимини Икер Касильяс жамоадорлари фойдасига ҳал қилиб қўядигандек тасаввур уйғонганди.

Лекин ёш истеъдодли дарвозабон бу гал устоз Камачо жонига оро киролмади. Ваҳоланки, у ирландлар билан баҳсда Испания қаҳрамонига айланиб улгурганди. Шу кун улоқ унинг ҳаммаси Ли Вун Джеда кетди. Унинг бор-йўғи битта пенальтни қайтарishi Жанубий Курия кўчаларида байрам бўлишини таъминлади. Энди у қаҳрамонга айланди. Бош мураббий Гуус Хиддинк олдида эса яна (ва бу нечанчи марта!) бир йўла икки муаммога жавоб топиш вазифаси турибди.

Шундай қилиб, Бразилия, Германия, Туркия ва Жанубий Курия жамоалари медалларга бўлган даъволарини амалда қондириб улгурдилар. Энди фақат бир масалани аниқла олишлари керак — олтинми, кумушми ёхуд бронза? Ҳадемай, бу саволга ҳам жавоб оламиз.

Жаҳон чемпионати эса ҳозирданок футбол жамоаларига, умуман, «миллионлар ўйини» деб аталмиш ушбу спорт турига у ёки бу жиҳатдан боғланган барча-барчага бир сирни очди: рақибинг қанчалар номдор бўлмасин, дадил беллашувга киришсанг, ютказмайсан. Ҳисобда мағлубиятга учрасанг-да, ўз шаъну шавкатингни сақлаб қоласан. Омад эса кўпинча ана шундай жамоаларни ўзи кидириб топайди.

З.ИБРОҲИМОВ.

ИШҚИБОЗ ЁН ДАФТАРИГА ЧОРАК ФИНАЛ

Table with 2 columns: Match details (date, teams, score) and Winner. Includes matches between England-Brazil, Germany-AKSH, and Spain-S. Korea.

УЛАР ЯРИМ ФИНАЛДА УЧРАШАДИЛАР

Table with 2 columns: Match details (date, teams, score) and Winner. Includes matches between Germany-S. Korea and Brazil-Turkey.

НОЁБ КОЛЛЕКЦИЯ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази олимларининг «Ўзбекистон ва унинг чегарадош минтақалари ўсимликлари туркумига мансуб турларнинг тўғлаш ва коллекциясини яратиш» деган мавзудаги илмий изланишлари қўйилган натижани берди. Бу йирки тадқиқот Америкадаги ботаник тадқиқотлар халқаро жамғармаси томонидан махсус ажратилган грант бўйича амалга оширилди.

Ушбу лойиҳани марказ Исроил давлатининг кишлоқ ҳўжалиги экинларини тадқиқ этиш департаменти билан ҳамкорликда олиб борди. Лойиҳа доирасида Туркманистонга ҳам илмий сафар уюштирилди. Шу экспедиция чоғида пивёдошлар туркумига мансуб 20 га яқин ўсимлик тури намунаси тўпланди.

Тадқиқот натижалари исроиллик ботаник олимлар билан бамазолаҳ таҳлил қилинди. Шундай қилиб, пивёдошлар туркуми атрофлича ўрганилиб, унинг ноёб коллекциясини яратиш имкони туғилди.

А.АЛИЕВ.



Япон филологияси бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш борасида бой тажрибалар ортирилмоқда. Бундай муҳим ўқув-таълимий жараён асосан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг япон филологияси кафедраси томонидан амалга оширилмоқда.

КИТОБ ЖАМҒАРМАСИ БОЙИМОҚДА

Кафедрада япон тили, лексикология, япон филологиясига қирриш, поэтика каби йўналишлар бўйича ташкил этилаётган машғулотлар айниқса самарали бўлмоқда. Бўлажак мутахассисларнинг пухта билим олишларида кафедра кутубхонасининг тўтган ўрни катта бўлмоқда.

Бу зиё масканининг китоб жамғармасини бойитишда халқаро япон жамғармаси, Япо-

ния таълим вазирлиги, Хосий университети, қатор ўқув юртлири ўз хиссаларини қўшиб келишмоқда.

Кутубхона яқинда яна бир талай янги адабиётларга эга бўлди. Улар орасида дарслик ва ўқув қўлланмалари қаторида энциклопедик ва, лугат нашрлари ҳам бор. Халқаро япон жамғармаси йўли билан ҳам адабиётлар олинандиган бўлди.

Ж.ЭЛМУРОДОВ.

МУЗЕЙ УЧУН ГРАНТ

Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи мамлакатимиздаги йирки музейлардан бири. Бу ерда сақланаётган минглаб экспонатлар, қўлёзмалар аждодларимиз ўтмишидан ҳикоя қилади. Ушбу ноёб экспонатларни авайлаб сақлаш музей ходимларидан жиддий меҳнат талаб этади. Шу сабабдан музейда қадимий қўлёзмалар кўргазмасини қайта жиҳозлаш лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Бу лойиҳага АҚШ ҳукумати томонидан махсус грант ажратилди.

Грант тақдими маросимида АҚШ нинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст иштирок этди.

(ЎЗА).

Ўзбекистон чемпионати «ТРАКТОР»

хавфли зонадан чиқиб олди...ми? Бу саволнинг берилишу табиий. Чунки ўтган йиллардагидан фарқ қилган ҳолда Тошкентнинг «Трактор» жамоаси ушбу мавсумни жуда ёмон бошлади ва айнан шунинг оқибати ўларок то хануз турнир жадалининг қуйи қисмидан жой олиб турибди.

Ким билади, «Навбахор» клуби билан бўладиган учрашув олтидан бу ҳақда сўз борганимди, йўқми, ҳар ҳолда пойтахтнинг иккинчи командаси илк дақиқаларданок ҳужумга ташланди. Сай-ҳаракатлар зое кетмади, турдан турга ўз ўйинини топиб бораётган Акмал Рисқуллаев биринчи бўлимадаёқ дарвозани ишғол қилди. Бундан руҳланган жамоа иккинчи бўлимда ҳам дадиллик билан тўп сурди. Аввал Илҳом Мўминжонов ҳисобни оширган бўлса, сўнг Сардор Саидхоронов галабини мустаҳкамлади.

Бу ўтказилган 14 учрашувда «Трактор» томонидан қозонилган туртинчи ютуқ. Агар шу кунгача жамоа олти ўйинда мағлубиятга учраганлигини инобатга оладиган бўлсак, бош мураббий олдида ечимини кутаётган талай муаммолар турганлиги маълум бўлади. Улар қандай ҳал қилинади, буни вақт кўрсатади. Ҳар қалай умидворлик учун асослар бор. Зеро, ўринбосарлар таркиби неча турки карвонбошлиқини қўлдан бой бермай келаётир.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд-Д» — «Андижон» — 3:1, «Бухоро» — «Металлург» — 4:2, «Сўғдиёна» — «Кизилқум» — 1:2, «Зарафшон» — «Нефтчи» — 0:2, «Кўкюн-1912» — «Сурхон» — 3:1, «Насаф» — «Дўстлик» — 3:0, «Пахтакор» — «Машъал» — 3:0.

14-турдан кейинги вазият

Table with 6 columns: Team, W, D, L, Pts, Goals. Lists teams like Paxtakor, Kizilqum, Nasaf, etc., and their performance statistics.

БУ ҚИЗИҚ

Франциянинг Лапло деган ерида кучли бурон кўтарилиб, бир тўда қўйларни яшин уриб кетди. Буни қарангки, оқ жунли қўйлар омон қолиб, қора жунли қўйларнинг бари яшиндан жабр кўрди.

Жазоирдаги қўллардан бирига икита дарё қуйилади. Шу дарёлардан бирининг суви темир тузларига тўйинган, иккинчи дарё эса торф ботқоқликларидан оқиб ўтади. Иккала дарё сувининг қўшилишидан сиёҳ ҳосил бўлади. Сиёҳ сувда бирон мавжудот яшолмайди, унга перо ботириб бемалол ёзаверса бўлади.

Марокашнинг шимолда рўй берган довул галла омборининг қилини кўкка соғурди. Шамол галлани Урта денгиз устидан олиб ўтиб, Испания мамлакатига ёғдирган, уни кишилар қоплаб уйларига ташиб олишган.

Ёз кунларидан бирида Фарбий Украина-

МАНТИҚ ФАНИ НИМА?

Қадимги Грецияда бундан икки ярим минг йил аввал фан сифатида ўқитилган мантиқ демократия туғайли туғилганлиги бежиз эмас. Ушанда фикрни тарақ-

қий эттириш жамиятнинг диққат марказида турарди. Бахслар, мусохабалар орқали ягона ҳақиқатни топиш демократик та-раққиёт билан чамбарчас боғлиқ эдики, у фикрлаш жараёнининг асосий нозомларини ўз ичига олган муайян фан яратиш-ни тақозо этарди. Мантиқ (логика) фани шу тахлит юзага келди.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Екубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.40

Матбуат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ, Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.